# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 15 июнь, № 116 (6551) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари янги лавозимга тайинлангандан сўнг мамлакатимизга илк бор келган меҳмонни қутлар экан, уни юксак ва масъулиятли лавозим билан табриклаб, фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, аввало, ўзаро манфаатга, жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга асослангани таъкидланди. Мунтазамлик касб этган турли даражадаги ўзаро алоқалар ва маслаҳатлар икки томон учун ҳам манфаатли бўлган ҳамкорликни изчил ривожлантириш имконини бермоқда.

Учрашувда айрим халқаро ва минтақавий муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари муҳокама этилди.

Генерал Жозеф Вотел Президентимиз Ислом Каримовга самимий қабул ва томонлар учун долзарб бўлган масалаларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди, АҚШ раҳбарияти мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда юқори палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Мустақиллик йилларида парламент назоратини такомиллаштириш масалалари: қонунлар ва давлат дастурларининг ижросини таъминлашда депутатлар ҳамда сенаторларнинг роли” мавзуида семинар ташкил этилди.

# Парламент назорати кучайтирилмоқда

Парламент аъзолари, суд-ҳуқуқ тизими, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қонун чиқарувчи ҳокимият тубдан ислоҳ қилингани, миллий парламент фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани қайд этилди. Изчил ислоҳотлар натижасида икки палатали профессионал парламент шакллантирилди.

Олий қонун чиқарувчи орган фаолиятини демократлаштириш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнида давлат ҳокимияти органлари тизимида парламентнинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада юксалди. Жумладан, 2014 йили Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига парламент назорати институтини конституциявий мустаҳкамлашга, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат қилиш вазифаларини янада кенгайтиришга, қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган тузатишлар киритилди.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Андижонда “Мустақиллик: парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий асослари” мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

**● Пойтахтимизда неврологиянинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент тиббиёт академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда АҚШ, Германия, Италия, Нидерландия, Швеция, Литва ва бошқа давлатлардан мутахассислар иштирок этди.**

● Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида “Чимён садоси — 2016” халқаро экологик сайёҳлик фестивали уюштирилди.

**● Тошкент ирригация ва мелиорация институтида “Маънавий-маърифий ва сиёсий етуклик — жамият тараққиётининг гарови” мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилди.**

● Жиззах шаҳридаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази капитал таъмирдан чиқарилган янги бинода иш бошлади.

**● “Истиқлол” санъат саройида уюштирилган “Дилларда Ватан мадҳи!” хайрия концерти томошабинларда унутилмас таассуротлар қолдирди.**

● Ўрта Чирчиқ туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада 400 дан ортиқ корхона, ташкилот ҳамда муассаса 6 минг 500 бўш иш ўрни билан қатнашди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# Ғамхўрлик ва эътибор ифодаси

Мустақиллик хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз иқтидор ва қобилиятларини тўлақонли рўёбга чиқариши учун имкониятлар эшигини кенг очди. Бугун ўз олдимизга қўйган олий мақсадимизга эришиш йўлида, яъни жаҳондаги энг тараққий топган, демократик ҳамда эркин давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда, Ўзбекистонимиз эришаётган муваффақиятларда аёлларимизнинг муносиб ўрни бор.

## МУНОСАБАТ

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида хотин-қизларга доимий эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ҳамда болаликни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар алоҳида қайд этилди.

Дарҳақиқат, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, интеллектуал ҳамда маънавий салоҳиятини кучайтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Оила институтини, оналик ва болалик муҳофазасини янада кучайтиришга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси изчил таъминланмоқда. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган ва шу асосда тизимли ишлар олиб борилаётир.

Хотин-қизларимизнинг нафақат кундалик турмушдаги, балки давлат миқёсидаги муҳим масалаларни ҳал қилишдаги роли тобора ортиб бораётгани қувонарлидир. Айни пайтда юзлаб депутат аёлларимиз Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашларда халқ вакиллари сифатида фаолият юритаяпти. Давлат ва жамият бошқарувида, сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётда, фуқаролик институтлари ва нодавлат тузилмаларда эл-юрт манфаати йўлида фидойилик кўрсатишмоқда. Таълим-тарбия, маданият, илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизини, ишлаб чиқариш тармоқларида 42 фоизини, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини эса айнан аёллар ташкил этаётгани ҳам уларнинг бирор бир соҳада ҳеч кимдан кам эмасликларини кўрсатади. Ваҳолонки, бундан йигирма беш йил муқаддам хотин-қизлар, асосан, пахта далаларидан бери келмас, иккиламчи юмушлар билан банд эди.

Аёлларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишнинг муҳим шартларидан бири — хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

## МОДЕРНИЗАЦИЯ

Навоий шаҳридаги “Baxt textile” қўшма корхонаси Швейцариянинг 7,5 миллион АҚШ долларилик замонавий дастгоҳлари билан жиҳозлангач, бу ерда йилига 9 минг тонна сифатли калава ип ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

# Имконияти икки ярим баробар ошди

Қувонарлиси, мазкур кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан икки ярим баробар юқоридир.

— Замонавий дастгоҳлар ёрдамида электр энергиясини 30 фоизгача тежаб қолаяпмиз, — дейди қўшма корхона директори Фурқат Турсунов. — Пировардида маҳсулотларимиз рақобатдошлиги ошиб, таннархи арзонлашмоқда.

Айни пайтда корхонада 300 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилаяпти. Жорий йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳисобига улар сони яна 87 нафарга кўпайиши режалаштирилган.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




**Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш — устувор вазифа**

**Ишчан, ташаббускор ва фаол**

**Санъат жозибаси**

**Маҳсулот тайёрлашнинг илғор усули**

# Дастурий вазифалар ижроси

## саноат ривожига кенг йўл очмоқда

Қашқадарё вилоятида кейинги йиллар давомида нафақат воҳа маркази, балки чекка ва олис қишлоғу маҳаллалар ҳам ўзига хос кўркам қиёфа касб этаётир. Янги тураржойлар, тиббиёт ҳамда таълим муассасалари, кенг, равон йўллар, боғу хиёбонлар маҳобати ва жозибаси билан кўзни қамаштиради.

## ИСЛОҲОТ

Бунда, албатта, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилаётган дастурий вазифаларнинг аҳамияти беқиёс. Биргина саноат соҳасидаги янгиланишлар ҳудудда импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш имконини берди. Қолаверса, шу орқали кўплаб доимий иш ўринлари яратилди.

Бундай ютуқларни 2014 — 2016 йилларда вилоят саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига мувофиқ, рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар самараси сифатида изоҳлаш мумкин. Воҳада яратилган қулай ишбилармонлик муҳити тадбиркорлик равнақига янада кенг йўл очаяпти. Пировардида энг илғор технологиялар билан жиҳозланган қувватлар фойдаланишга топширилмоқда.

Китоб туманидаги ип йигирув корхонаси иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолгач, фаолиятини бутунлай тўхтатган эди. Ҳудудий дастур туфайли у қайта оёққа турди. 12 миллиард сўм миқдоридаги маблағ модернизациялаш тадбирларига йўналтирилиб, Германиядан замонавий ускуна ва дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Шу тариқа корхона яна ишлай бошлади. Қарши туманида нидерландиялик ҳамкорлар билан қиймати 55 миллион АҚШ долларилик тўқимачилик мажмуаси қурилиши давом эттирилмоқда. Бу иншоот фойдаланишга топширилгач, вилоятда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 6 фоиздан 35 фоизга кўтарилади, 3 мингга яқин кишининг бандлиги таъминланади.

(Давоми 2-бетда).

# Парламент назорати кучайтирилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун парламент давлат ҳокимияти органлари орасида ўзаро мувозанат ҳамда тийиб туриш тизимини сақлашда муҳим роль ўйнамоқда. Бунда парламентнинг нафақат қонун ижодкорлиги, балки давлат органлари фаолияти устидан назорат қилиш билан боғлиқ вазифаларини алоҳида қайд этиш зарур.

Жорий йилда кучга кирган “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун ҳам парламент фаолиятида муҳим воқеа бўлди. Мазкур Қонун Олий Мажлиснинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг парламент олдидаги жавобгарлигини кучайтириш имконини берадиган қўшимча механизмларни жорий этишга хизмат қилмоқда.

Қонун Конституция ҳамда қонунлар талабларининг ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона бир тизимга солинган қонунчилик базасини яратиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулиятини янада кучайтирди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда парламент назорати субъектлари ҳамда объектлари аниқ белгилаб берилди, унинг шакллари мустаҳкамлаб қўйилди, парламент назорати натижалари юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар, унинг натижалари бўйича иш юритиш механизмлари тартибга солинди.



Тадбирда Олий Мажлиснинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, қонунийлик, қонун устуворлигини, Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан жавобгарлигини ошириш билан боғлиқ эканлиги қайд этилди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талаблари ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлмоғи зарур.

Семинар иштирокчилари парламент сўровини юборишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, парламент назоратини олиб боришда депутат ва сенаторларнинг ролини ошириш, улар томонидан давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари мансабдор шахсларига сўровлар юбориш хусусиятлари, соҳада тўпланган миллий ва чет эл тажрибаси тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Тадбирда парламент назоратини амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, парламентнинг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор таклифлар айтиб ўтилди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ғамхўрлик ва эътибор ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги пайтда республикамизнинг барча ҳудудида саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилаётган кредитлар ҳисобидан минглаб опа-сингилларимиз ўз бизнесини йўлга қўйиб, оилалари фаровонлигини таъминламоқда. Давлат томонидан аёллар бошқараётган кичик корхоналарни равнақ топтириш, хотин-қизларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга жалб этиш, қишлоқ жойларда касаначилик ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳалар фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Албатта, уларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишда давлат тузилмалари билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклиги муҳим аҳамият касб этаяпти. Ана шундай самарали механизм туфайли тадбиркор бўлиш истагидаги аёллар учун замонавий бизнесни юритишга қаратилган бепул ҳуқуқий маслаҳатлар тизими йўлга қўйилди. Бу бўйича турли давра суҳбатлари, семинар-тренинглар мунтазам ташкиллаштирилаяпти.

Давлат тараққиётининг муҳим мезонларидан бири хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини, ижтимоий фаоллик даражасини кучайтиришдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ҳаётда аёлларнинг ўрни ва мақомини юксалтириш давлат сиёсати даражасидаги масалага айланган. Бунда Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлаяпти. Айни вақтда Республика Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари томонидан опа-сингилларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила ҳамда жамиятдаги нуфузини юксалтириш, соғлом ва мустаҳкам оилани қарор топтириш борасидаги вазифалар изчил рўёбга чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, кўпни кўрган, жонкуяр аёллар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида маҳалла фаоллари, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида хизмат қилиб, элу юртимиз ўртасида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, хонадонларда турли гинаю аразларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида кўпчиликка ўрнак ҳамда намуна бўлиб келаяпти.

Ифтихор билан айтишимиз мумкинки, аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва уларни асраб-авайлашдек халқимизга хос эзгу анъана истиқлол йилларида юксак қадрият даражасига кўтарилгани ўзининг улкан самарасини бермоқда. Давлат ҳамда жамият ҳаётида фаол қатнашиб, миллий тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшаётган аёлларимиз сони тобора ортаётгани бунинг ҳаётий тасдиғидир.

Шуниси аёнки, ҳар бир оиладаги файзу барака, тотувлик, маънавий-ахлоқий муҳит ва табиийки, ўша оилада вояга етаётган ўғил-қизларнинг тарбияси кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Шу маънода, хотин-қизларнинг манфаатларини кафолатлаш орқали ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидору салоҳиятини намоён этишига кўмаклашиш, тадбиркорликка жалб қилиш қамрови тобора кенгайиб бораётгани пировардида аёлларнинг оила ҳамда жамиятдаги мавқеини юксалтириши баробарида, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда ҳал қилувчи омил бўлаяпти. Бу эса айни муддаодир.

**Гулнора ТЎРАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

**АНЖУМАН**

Бухорода Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (янги таҳрирда) мақсад-моҳиятига бағишланган анжуман ташкил этилди.

# Тадбиркорлар учун қулайлик

Унда соҳа мутахассислари, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашдилар.

Маълумки, янги таҳрирдаги ушбу ҳуқуқий ҳужжат шу йилнинг 22 апрелидан кучга кирди.

Мазкур Кодексни ҳаётга татбиқ этишдан кўзланган мақсад божхона ишининг ягона қонунчилик базасини халқаро стандартларга мос равишда шакллантириш, божхона маъмурчилигининг барча босқич ҳамда даражаларида ҳуқуқий норма ва ёндашувларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишдан иборат.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Диққат, танлов!

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган **«Энг улуғ, энг азиз»** анъанавий танловини эълон қилади.

Танловга **“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

**“Энг улуғ, энг азиз”**
танлови қуйидаги номинациялар
бўйича ўтказилади:

- **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**
- **босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**
- **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**
- **тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;**
- **кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2015 йилнинг 1 августидан 2016 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида мукофотланади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар **“Энг улуғ, энг азиз” танловига** деб кўрсатилган ҳолда, қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси.
Телефонлар: (0-371) 244-12-61; 244-64-61;
244-11-64.

# Мустақил ҳаёт сари дадил қадам



Таълим тизимини замон талаблари асосида ислоҳ этиш ва ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларни ҳар томонлама баркамол вояга етказишга йўналтирилган аниқ стратегия ҳаётга татбиқ этилди. Пировардида соҳа тубдан янгиланиб, юксак маънавий ҳамда ахлоқий талабларга жавоб берувчи ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий ва кадрлар базасига эга бўлди. Таълим-тарбия инфратузилмаси мустаҳкамланди.

**ТАЪЛИМ**

**Т**изимдаги изчил саъй-ҳаракатлар самараларини айни кунларда республикамиздаги олий таълим муассасаларини тамомлаб, катта ҳаётга йўл олаётган йигит-қизларнинг Ватан ҳамда халқ олдидаги юксак бурчини нақадар теран англаши мисолида ҳам кўриш мумкин.

Суратдаги бу бахтиёр ёшлар жорий ўқув йилида Наманган давлат университетининг бакалавр ва магистратура босқичини якунлади. Шу муносабат билан мазкур масканда битирувчиларга диплом топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Чунончи, университет ўқув, ўқув-услубий, илмий ҳамда маънавий-маърифий йўналишларда ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Буни 1241 нафар бакалавр ва 66 нафар магистр томонидан кўплаб илмий мақолалар нашр этилгани, илмий тадқиқотлар, изланишлар муваффақиятли якунига етказилгани тасдиқлаб турибди. Бугунги кунда таълим даргоҳи мамлакатимиз ҳамда хориждаги, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Фарғона давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, шунингдек, Германия, Нидерландия, Норвегия, Малайзия ва бошқа давлатлардаги бир қатор етакчи олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкам йўлга қўйган.

— Ҳар бир соҳа ривожида малакали мутахассиснинг ўрни беқиёс, — дейди университетнинг касб таълими йўналиши битирувчиси Зулфия Убайдуллаева. — Шу маънода, биз тўрт йил давомида пухта билим олишга, хорижий тилларни мукаммал эгаллашга муваффақ бўлдик. Энди Косонсой туманининг “Чиндовул” қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 20-умумтаълим мактабида меҳнат фаолиятимни бошлайман.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Дастурий вазифалар ижроси

## саноат ривожига кенг йўл очмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қарши шаҳридаги “Санам” масъулияти чекланган жамияти ҳам техник ва технологик янгиланишлар туфайли ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бораётган саноат субъектларидан биридир. Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмай қолган мазкур тикувчилик фабрикаси банкрот деб топилганди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони унинг иқтисодий ночор ҳолатдан чиқишига асос бўлди. Натижада корхонага қўшимча инвестиция жалб этилиб, акциядорлик жамиятидан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Умуман, 2011 йилгача бу ерда олиб борилган молиявий соғломлаштириш тадбирлари самараси ўлароқ, ишлаб чиқариш цехлари қайта реконструкция қилинди. Уларга Хитой, Ҳиндистон ва Германия давлатларидан янги тикув машиналари, пресслаш, кесиш, бичиш дастгоҳлари келтирилди.

Шу тариқа МЧЖда импорт ўрнини босувчи кийим-кечаклар тикишга киришилди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган 40 турдаги либосларнинг бозори чаққон. Уларга нафақат Қашқадарё, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам буюртмалар келиб тушаяпти. Бунда корхонада меҳнат қилаётган 600 нафар ишчи-мутахассиснинг хиссаси катта. Жамоа томонидан бошқарилаётган технологиялар йилига 3 миллион дона эркаклар кўйлаги, 1,2 миллион дона мактаб ўқувчилари либоси ҳамда 1 миллион дона махсус форма ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими, корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар илгари четдан импорт қилинган товарлар ўрнини тўлиқ эгалламоқда.

Албатта, имконият ва рағбат — тараққиёт гарови. Шу маънода, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бошқа тадбиркорлик субъектлари қатори “Санам”га ҳам ягона солиқ тўлови борасида имтиёзларни туҳфа этди. Шу ҳисобдан иқтисод қилинган маблағлар эса Япония ва Хитойдан компьютерлаштирилган махсус безак бериш ускуналари ҳамда электрон тикув дастгоҳлари харидига сарфланди. Қолаверса, ишчи-ходимлар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш имконияти юзага келди.

Корхона мутасаддилари эришилган ютуқлар билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Яъни бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш чоралари кўрилмоқда. Чунончи, Миришкор ҳамда Чироқчи туманларида жамият филиаллари ташкил этилиши йилига 10 миллиард сўмликка яқин халқ истеъмоли моллари тайёрланишига пухта замин ҳозирлади.

Саноат салоҳиятини юксалтиришга доир устувор вазифалар ижроси вилоятдаги мавжуд корхоналар фаолиятига унум бахш этмоқда. Айниқса, бундан хусусий сектор вакиллари юқори манфаат кўраётир. 2015 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши қарийб 52 фоизга етгани сўзимизнинг яққол исботидир. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткичлар янада ошиши кутилаяпти.

**Саъдулла БОБОҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси**
**Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**

# Обод турмуш файзи

Фаровон ҳаёт кечириш — ҳар бир инсоннинг орзуси. Бу, аввало, хонадонимиз файзу баракаси билан ўлчанади. Шу боис истиқлол йилларида шаҳару қишлоқларимизда пухта меъморий ечим асосида муҳташам тураржойлар барпо этилаётир. Иморатларнинг замонавий ва бежирим қурилиш ашёларидан тикланаётгани эса уларнинг бир неча авлодларга хизмат қилишини кафолатлаяпти.

## БУНЁДКОРЛИК





Жойларда фойдаланишга топширилаётган "Камолот" уйларини кўздан кечириб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Уларнинг эгалари ўз ҳаётидан мамнун, давлатимизнинг рағбат ва эътиборидан миннатдор. Муҳими, чинакам бахт оғушида яшаётган навқирон авлод вакиллари сафи йил сайин кенгаймоқда. Бунда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал бўлаётир. Шунга мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудида "Камолот" уйлари барпо қилиниб, ўз соҳибларига топширилаяпти.

Хусусан, Сурхондарёда бу эзгу ташаббус дастлаб Термиз шаҳридан бошланган эди. Хусусан, ўтган йили вилоят марказида иқтидорли ҳамда фаол ёшлар учун 64 хонадонга мўлжалланган "Камолот" уйи бунёд этилди. Ҳудуддаги "Мармар" хусусий корхонаси бинокорлари қурилиш-монтаж ишларини қисқа муддатда, белгиланган талаб ва меъёрлар асосида бажардилар. Шу тариқа кўп қаватли иморатда ҳамма шарт-шароит муҳайё қилинди.

Кўп ўтмай, Жарқўрғон туманида яшовчи 64 ёш оила соҳиби ҳам уй тўйларини нишонлади. Яъни ҳудудда ҳар бири 32 хонадондан иборат иккита "Камолот" уйи қад ростлаб, ўз эгаларига топширилди.

— Аввало, Юртбошимизга минг раҳмат, — дейди "Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш" қўшма корхонаси оператори Жамшид Абдуҳоликов. — Жуда ҳам хурсандмиз. Айниқса, фарзандларимиз Лазизахон, Эъзоза, Шаҳриёрнинг қувонганини айтмайсизми?! Икки хонали уйимиздаги шарт-шароитлар бизга манзур бўлди. Бундай эътибор ҳамда ғамхўрликка жавобан фидойи меҳнатимиз билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшамиз.

Ҳозирги кунда Термиз шаҳри, Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманларида қад кўтарган бу каби тураржойлар келажагимиз ворисларининг ҳақиқий бахт ошёнига айланган, десак, муболаға бўлмайди. Қолаверса, ҳадемай Термиз шаҳрида битта, Денов туманида иккита ана шундай кўп қаватли уй қурилиб, уларга ёш оила вакиллари кўчиб ўтиши кўзда тутилган.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатлари энг устувор мезон эканлигидан далолатдир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

## ИЗЛАНИШ

*Хонқа тумани марказидаги "Feed gran" масъулияти чекланган жамияти маккажўхори, буғдой дони, пахта, кунгабоқар ва соя қолдиғидан чорвачилик, паррандачилик ҳамда балиқчилик тармоқлари учун 20 дан ортиқ турдаги озуқалар тайёрлашга киришди.*

# Йирик лойиҳа ўзлаштирилди

Ушбу лойиҳани рўёбга чиқариш учун банкнинг 3 миллион 151 минг евро миқдоридаги кредити ҳамда корхонанинг 10 миллиард сўмлик маблағи ҳисобидан Швейцария давлатидан сўнгги русумдаги технологиялар келтирилди. Улар ёрдамида йилига 40 минг тоннага яқин омихта ем ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Ҳозир корхона жамоаси маҳсулотларига ҳудуддаги чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларидан буюртмалар келиб тушмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 4 ИЮНДАН 10 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

Хабар

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 11 майдаги 28-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-4 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 17 майдаги 34-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 977-6 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 1 июндаги 54-сон «Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2556-1 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2016 йил 2 июндаги 17-қ/қ, 51/ққ ва 15/ққ-сон «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1847-1 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2016 йил 4 майдаги 01-02/12-43, 43-сон «Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2016 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2555-1 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

6. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2016 йил 10 майдаги 143-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2794 (2016 йил 13 сентябрдан кучга киради).***

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/6-сон «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2795 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/7-сон «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2796 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

9. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг 2016 йил 2 июндаги 16-Б-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2016 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2797 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 23 майдаги 01-157-сон «Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2798 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

11. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2016 йил 30 майдаги 6-мҳ-сон «Умумий ўрта таълим муассасасининг педагогик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2799 (2016 йил 13 июндан кучга кирди).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1847, 2008 йил 29 август).

***Адлия вазирининг 2016 йил 6 июндаги 139-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг «Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2555, 2014 йил 13 январь).

***Адлия вазирининг 2016 йил 7 июндаги 140-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг «Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2441, 2013 йил 25 март), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2441-1, 2014 йил 31 декабрь).

***Адлия вазирининг 2016 йил 8 июндаги 142-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2440, 2013 йил 25 март), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2440-1, 2014 йил 31 декабрь).

***Адлия вазирининг 2016 йил 8 июндаги 143-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

***Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*АҚШнинг дунёга машҳур "Microsoft" компанияси "LinkedIn" ижтимоий тармоғини сотиб олаётганини маълум қилди. Бу ҳақда "The Wall Street Journal" нашри хабар тарқатди.*

### Бошқа тармоқни қўшиб олмоқчи




Шу йил давомида тузилиши кутилаётган битимнинг умумий қиймати 26,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур янгиликдан сўнг харидорнинг биржадаги акцияси нархи 3 фоиз арзонлашиб, 49,92 долларга тушиб кетди. Сотувчиники эса, аксинча, 47 фоиз ўсиб, 193,01 долларгача етди.

### Савдода пасайиш

*Финляндиянинг "Stockmann" кийим-кечак ритейлери 2016 йил давомида тўрт юз нафар ходими ишдан бўшатилишини эълон қилди.*




Сабаби, ўтган йили унинг савдоси ва даромадлари ҳажми пасайиб кетганди. Дунёнинг 16 та давлатида фаолият юритадиган мазкур компания иш ўринларини қисқартириш эвазига харажатларини ҳам йилига 20 миллион еврога камайтиришни режалаштираяпти.

### Бахтсиз ҳодиса

*Италиянинг Милан шаҳридаги тураржой биноларидан бири қулаб тушди.*

Оқибатда уч киши ҳалок бўлди, икки нафари жароҳатланди.

Бахтсиз ҳодиса маиший газ портлаши натижасида юз берган.

### Вертолёт такси хизматини бажаради

*"Uber" халқаро компанияси Бразилиянинг Сан-Паулу штатида вертолёт-таксилар фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳаси устида иш олиб бораяпти.*




Унга кўра, йўловчилар ўзларининг мобиль қурилмаларидаги махсус илова ёрдамида ҳаво транспорти воситасига буюртма беради ва манзилига етиб олади. Мазкур сервис эрталаб соат еттидан кечки саккизгача ишлаши мўлжалланаяпти. Бу қулайлик мижозларга тўрт баробар қимматга тушсада, лекин масофа қисқа муддатда босиб ўтилади.

### Денгизда махсус қурилма

*Хитойлик мутахассислар томонидан Тинч океани ҳавзаси, Тайвань ороли ҳамда Японияга тегишли Рюкю архипелаги Шарқий қисми ва Жанубий Хитой денгизи ҳудудларига махсус қурилмаларни ўрнатиш устида иш олиб борилмоқда.*



Ускуналар цунами хавфини эрта аниқлаб, аҳолини табиий офат ҳақида олдиндан огоҳлантиради. Бу, албатта, фуқаролар ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эгадир.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР


## «Universal auktsion invest» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 29 июнь куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судининг 2014 йил 23 июндаги 672-4800/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 Н 966 СА бўлган, «ГАЗ-3110» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 12 559 500 сўм.***

2016 йил 29 июнь куни соат 10.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 6 январдаги 10-1416/17030-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1-уйда сақланаётган:

- 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 698 SBA бўлган, оқ рангли, «Sinotruk» русумли (цемент ташувчи).

***Бошланғич баҳоси — 154 000 000 сўм.***

- 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 230 SBA бўлган, «Sinotruk» русумли (цемент ташувчи).

***Бошланғич баҳоси — 152 390 000 сўм.***

2016 йил 15 июль куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 26 июндаги ҳукмига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Ўзкимёполимерсавдо» МЧЖда сақланаётган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 Z 0956 бўлган, «ГАЗ-2410» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 048 387,92 сўм.***

2016 йил 15 июль куни соат 10.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 9 апрелдаги 10-1510/1410-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160-уйда сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 627 QBA бўлган, сариқ рангли, «Shaanxi» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 244 765 000 сўм.***

Автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 10.00 ва 10.30 да тўхтатилади. Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Туронбанк» Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

910А/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**



IPOTEKA BANK

## Акциядорлик тижорат ипотека банки «Ипотека-банк»

**танловга таклиф этади.**

Захира электр узатиш линиясини ишга тушириш учун Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уй, «Ўзбекистон почтаси» АЖ «Тошкент почтамти» филиали биносида жойлашган юқори кучланишли РП-10 подстанциясини капитал таъмирлаш бўйича ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилинади.

**Таклифларни 2016 йил 20 июнгача қуйидаги манзилга юбориш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 150-13-10, (+99890) 176-50-39.**

915А/313

*Хизматлар лицензияланган.*



## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 5 июль куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 ноябрдаги УСК-1-431/2012-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган, ер майдони 881,0 кв.м., қурилиш ости майдони 295,5 кв.м. бўлган рақамсиз уйдаги дала-ҳовли такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 434 408 394 сўм.***

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хорижий юридик ҳамда жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

914А/465

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (0-595) 143-0-143.**
**E-mail: info@realtors.uz www.realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

*Мамлакатимиз банк-молия тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида бугун молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва ажратилаётган маблағлар кўплаб истиқболли лойиҳаларни тезкорлик билан рўёбга чиқариш, минглаб янги иш ўринларини яратиш имконини бераяпти. “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили асосида фаолият юритаётган тижорат банклари барча тегишли йўналишда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бормоқда.*

*Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1995 йил 7 ноябрда ташкил этилган “Асака” акциядорлик тижорат банки эришаётган муваффақиятлар ҳам бунга бир мисолдир. Айтиш жоизки, мазкур муассаса жамоаси, мана, йигирма йилдирки, иқтисодиётнинг барча тармоғи билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, мулкчилик шакли ва фаолият кўламидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, аҳоли талаб ва истакларини, таклифларини, истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга астойдил интилмоқда. Жумладан, айни пайтда 26 та филиал, 93 та минибанк ҳамда 329 та чакана хизмат кўрсатувчи шохобчаси орқали 1,7 миллиондан ортиқ мижозларга малакали хизмат кўрсатиб, уларнинг ишончини оқлаяпти, десак, муболаға эмас. Ушбу жараёнда автомобилсозлик, тоғ-кон, нефть-газ, кимё, энергетика, енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, транспорт, қурилиш ва бошқа тармоқларни қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса, эътирофга молик.*

## Банк тизими:

# БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ, ЮКСАК САМАРА

“Асака” банки юртимиз ҳамда хорижий молия муассасалари билан ҳам манфаатли муносабатларни кенг йўлга қўйган. Айни пайтда жаҳоннинг 350 дан ортиқ етакчи банклари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани, энг йирик хорижий банклардаги вакиллик ҳисобварақлари тармоғи орқали эса асосий молиявий марказларда қатнашаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бундан ташқари, инвестициявий жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни таъминлаш, уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш орқали рақобатдош, ички бозор ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мижозлар ёки хорижий ҳамкорларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, дунёнинг етакчи ва нуфузли рейтинг агентликлари саналмиш “Moody’s” ҳамда “Fitch Ratings” халқаро агентликларининг мунтазам юқори рейтинг баҳоларини олиб келаяпти. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида банклар фаолияти сусташиб, молиявий аҳволи ёмонлашаётган бир пайтда бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш қувонарли, албатта. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, Президентимизнинг молия-банк тизимига бўлган эътибори, уни такомиллаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар самарасидир.

Қолаверса, “Асака” банки жаҳоннинг “Euromoney”, “Global Finance”, “The Banker” сингари нуфузли иқтисодий нашрлари томонидан бир неча маротаба “Ўзбекистонда йилнинг энг яхши банки” сифатида тан олингани ҳам бежиз эмас.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, “Асака” акциядорлик тижорат банкининг жами активлари 8,1 триллион сўмни, жами капитали 955,7 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, кредит қўйилмалари ҳажми 3 триллион 895,2 миллиард сўмга етди. Ажратилган кредитларнинг асосий қисми узоқ муддатли эканлиги, айниқса, диққатга сазовор.

Шу билан бирга, банк томонидан Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ана шундай лойиҳаларни молиялаштириш учун 656,3 миллиард сўм миқдорида кредит йўналтирилди, уй-жойлар қурилиши учун 343,3 миллиард сўм миқдорида сармоя ажратилди. Натижада республикамиз бўйича 72 та кўп қаватли тураржой қад ростлаб, 2039 та оила барча қулайликка эга бўлган замонавий хонадонларга кўчиб ўтди.

Банк кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда ҳам фаол қатнашмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида банк томонидан соҳа вакилларига 332,2 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, жойларда кўплаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуалари фойдаланишга топширилгани, юзлаб касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлиги таъминлангани бунинг далолатидир.



Шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижроси юзасидан 174,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан, тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёлларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириши учун 34,7 миллиард сўм миқдорида сармоялар йўналтирилди.

Барқарор ривожланиш иқтисодий ночор ҳамда банкрот корхоналарга молиявий кўмак кўрсатиш орқали ишлаб чиқаришни ташкил этишга ҳам бевосита боғлиқдир. Шу боис сўнгги пайтларда мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишлар юқори босқичга кўтарилди. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир. “Асака” банки жамоаси бу борада ҳам муайян ютуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналарнинг 46 таси салоҳиятли сармоядорларга сотилиб, улар негизида 14 та шуъба корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Ташкил этилган корхоналарга жами 61,7 миллиард сўм миқдорида инвестициялар киритилиши натижасида 3974 та иш ўрни яратилиши баробарида, 546,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, шундан 66,2 миллион АҚШ долларилиги экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ эса, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли қўлидаги бўш пулларни омонатларга жалб этиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси муваффақиятли якунига етказилмоқда. Айтайлик, банк ҳозирги кунда аҳолига миллий ҳамда хорижий валютадаги 40 турдан ортиқ омонатларини таклиф этаяпти. Уларнинг барчаси аҳоли учун ҳар томонлама мос келаётганини 2016 йил 1 апрель ҳолатига кўра, банкдаги омонатлар қолдиғи 632,1 миллиард сўмга етгани ва омонатчилар сони 1 668,6 минг нафардан ошганидан англаш қийин эмас. Қолаверса, банк бултур Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Банклар ассоциацияси томонидан уюштирилган танловда “Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки” номинациясида ғолиб чиққани ҳам банк раҳбарияти мазкур йўналишда нечоғли тўғри сиёсат юритаётганини кўрсатади.

Ўтган йилги танловда, шунингдек, унинг Сурхондарё вилояти филиали “Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши филиали” номинациясида ғолиблар қаторидан жой олди. “Қадрият” омонат тури эса “Миллий валютадаги энг яхши муддатли депозит” сифатида баҳоланди. Бинобарин, Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси ҳам изчил таъминланаяпти. Жорий йилнинг 1 апрелига келиб, банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 1 миллион 695,3 минг донага, уларга хизмат кўрсатиш учун жойларга ўрнатилган терминаллар миқдори 10 минг 355 тага, инфокиосклар 46 тага, банкоматлар сони эса 27 тага етказилгани, 9178 та корхона ва ташкилотга “иш ҳақи” лойиҳаси доирасида хизмат кўрсатилаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Пировардида пластик карточкалар орқали бажарилган амалиётлар миқдори қарийб 573,4 миллиард сўмни ташкил қилди.

Хуллас, “Асака” акциядорлик тижорат банки жамоаси 20 йилдан ортиқ вақт давомида мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиб, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини рўёбга чиқаришга астойдил киришган. Бундан кўзланган асосий мақсад эса иқтисодиётимизни тараққий топтириш орқали аҳоли фаровонлигини янада таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Мижозлар эътирофи

**Ҳаётилло СОБИРОВ,**
**“Ulug‘nor invest teks”**
**қўшма корхонаси раҳбари:**

— Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Бунда молия муассасалари, хусусан, “Асака” банки ишбилармонларнинг яқин кўмакчисига айланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, тадбиркорликни йўлга қўйганимиздан буён мазкур молия муассасасидан уч бор йирик миқдорда кредит олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтирдик, корхонамизни замон талаблари асосида жиҳозлашга эришдик.

Ҳозирги кунда 14 турдаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариб, харидорларга бир ойда ўртача 175,4 минг дона тайёр кийим-кечак етказиб бераяпмиз. Шундан 460 миллион сўмликка яқини экспортга йўналтирилмоқда. Замонавий ва қулай шароитларга эга корхонамизда меҳнат қилаётган 225 нафар ишчи-ходим эса банк кўмаги билан турмуши янада обод бўлиб бораётганидан мамнун.

**Маҳфират ҲАЙДАРОВА,**
**“Shahzoda — Mo‘jiza” масъулияти**
**чекланган жамияти раҳбари:**

— Президентимиз томонидан 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши барчамизни беҳад қувонтирди. Чунки бу мамлакатимизда биз, хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг мантиқий давоми бўлди.

Изчил амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар натижасида юртимизда оналар ҳамда болаларнинг саломатлик кўрсаткичлари тобора яхшиланиб бораяпти. Бунда вилоятларимизда, чекка-чекка қишлоқларимизда болалар, мактаб ўқувчилари учун ташкил этилаётган спорт тўгаракларининг ўрни беқиёс, албатта.

Биз ҳам яқинда бу каби хайрли ишларга ҳисса қўшиш мақсадида “Она ва бола соғломлаштириш маркази”ни ташкил қилишга оид бизнес-режа тузиб, уни “Асака” банкига топширган эдик. Ўз навбатида, лойиҳамиз мутахассислар томонидан қисқа муддатда ўрганиб чиқилиб, кредит ажратишга қарор қилинди. Аниқроғи, жорий йилнинг апрель ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган “Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари — BankExpo — 2016” IX Миллий кўргазмасида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини тақдим этувчи сертификатни қўлга киритдик.

Биз каби тадбиркорларга ишонч билдириб, қулай шартлар асосида маблағ беришга қарор қилган “Асака” акциядорлик тижорат банки жамоасидан беҳад миннатдормиз.

**Ҳосилбек АБДУВАЛИЕВ,**
**ёш тадбиркор:**

— Шаҳрихон енгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлаганимдан сўнг юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қулай шарт-шароитлардан руҳланиб, шу йўналишда фаолият юритишга бел боғладим. Ота-онам билан маслаҳатлашган ҳолда, чорвачиликка доир ишлаб чиққан бизнес-режамни “Асака” банкига топширдим. Кўп ўтмай, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим. Яқин кунларда ажратиладиган сармояга эса зотдор қорамоллар сотиб олиб, тадбиркорликни бошламоқчиман.

Бундан ташқари, келгусида фаолиятимни янада кенгайтириб, сутни қайта ишлаш линияларини ташкил этиш орқали халқимиз дастурхонини янада файзли қилишга ҳисса қўшиш ниятидаман. Албатта, бунда ҳам “Асака” банки яқин кўмакчи бўлишига ишонаман.

**Нурмаҳамбет ПРИМБЕТОВ,**
**“Нукус Балиқ” масъулияти**
**чекланган жамияти раҳбари:**

— Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорларнинг эркин ва самарали фаолият юритишида етарлича ҳуқуқий асослар яратилгани муҳим омил бўлаётир. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотларни яна бир поғона кўтариб юборди. Чунки ушбу ҳужжатга кўра, ишбилармонлар олдида турган айрим камчиликларга барҳам берилиши баробарида, кредит олиш тартиб-қоидалари ҳам соддалаштирилди.

Айтиш жоизки, мана шундай имкониятлар қулайликлар туфайли балиқ маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган корхонамиз билан “Асака” банки ўртасидаги ҳамкорлигимиз тобора ривожланаяпти. Масалан, ўтган йилларда ушбу молия муассасасидан олинган узоқ муддатли кредит эвазига хўжалигимизда таъмирлаш ишларини бажариб, зарур автотранспорт воситаларини харид қилдик. Энг муҳими, мазкур лойиҳамиз туфайли 10 кишини иш билан таъминладик.

Ҳозирги кунда яна бир янги йўналиш — ғишт ишлаб чиқариш корхонасини очиш ҳаракатидамиз. “Асака” банки мутахассислари ҳам бу лойиҳамизни молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдириб, ўзларининг зарур маслаҳатларини беришди. Насиб этса, ниятимиз амалга ошгач, йилига 15 миллион дона юқори сифатли ғишт тайёрлашга эришамиз.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5 6